

Жаҳаннамга тушишдан огоҳлантириш



18:20 / 18.05.2018 6272

Жаъданинг мавлоси Абу Яҳёдан ривоят қилинади:

Мен Абу Ҳурайрадан қуйидаги ҳадисни эшитганман: Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссаломга: - Эй Расулаллоҳ, фалончи аёл кечалари (таҳажжуд) намозини ўқийди, кундузлари (нафл) рўзалар тутади, лекин тилида заҳар бор. Ўша (тили) билан қўшниларига озор беради. У тили аччиқ аёл, - дейишди. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: - У аёлда яхшилик йўқ, у дўзахдадир, - дедилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан яна сўрашди: - Эй Расулаллоҳ, фалончи аёл эса фарз намозларининг ўзини ўқийди, рамазон рўзасининг ўзини тутади (яъни ортиқча, нафл ибодатлар қилмайди). Одамларга пишлоқ ва сузмалар эҳсон қилади. Унинг шундан бошқа айтарлик амали йўқ. Лекин у ҳеч кимга азият бермайди. Шунда Набий алайҳиссалом:

- Ана шу аёл жаннатдадир, - дедилар. *(Имом Аҳмад. Муснад; Ибн Ҳиббон; Ҳоким Найсабурий. АлМустадрок. 7304-ҳадис.)*

Ушбу ҳадисдан мавзумизга доир қуйидаги сабоқларни олиши мумкин.

1. Қўшниларга азият етказиш амални бекор бўлишига сабаб бўлади.
2. Қўшниларига озор етказувчи кишида яхшилик йўқ.

3. Ҳеч кимга нисбатан дилозорлик қилмаган ҳолда амалнинг ўртамиёна бўлиши қўшниларга озор етказган ҳолда нафл ибодатларни кўпайтиришдан афзалроқдир.

Одилхон қори Юнусхон ўғли

“Қўшничилик ҳақлари ва одоблари” китобидан